

**“Тошкент шаҳрида ер усти халқа метрополитени I ва II босқич йўналишлари қурилиши”**  
**объектида бажарилаётган қурилиш-монтаж ишлари сифатининг лойиҳа ва стандарт талабларига мувофиқлигини назорат қилиш бўйича лаборатория синовлари ўтказиш учун**

### ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

<b>Иш бажарига бюртмачи корхонаининг номи ва манзили:</b>	«Тошкент метрополитени» ДУК, Тошкентшаҳри, И.А. Каримов кўчаси, 61а уй
<b>Қурилиш объектининг номи:</b>	“Тошкент шаҳрида ер усти халқа метрополитени I ва II босқич йўналишлари қурилиши”
<b>Иш бажараётган пудратчи ташкилот ва қурилиш объектининг манзили:</b>	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ “Кўприққурилиш” трести УК тассаруфидаги корхоналар. Тошкент шаҳар Яшнабод ва Сергели туманлари
<b>Лаборатория синовларини бажариш учун талабгор бўлганларга қўйиладиган талаблар:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>▪ қурилиш соҳаси бўйича кўп йиллар (10 йилдан ортиқ) давомида синовларда иштирок этган қурилиш синов лабораторияси бўлиши;</li> <li>▪ синов лабораторияси белгиланган тартибда аккредитациядан ўтган бўлиши;</li> <li>▪ 2-жадвалда кўрсатилган синов турларини бажариш учун ушбу синов турлари аккредитация соҳасида мавжуд бўлиши;</li> <li>▪ мувофиқликни баҳолаш соҳасида фаолият юритиши учун ваколатга эга бўлган (сертификатланган) ходимлари бўлиши;</li> <li>▪ аккредитация соҳасида кўрсатилган барча синовларни ўтказиш учун керакли замонавий лаборатория жихозларига эга бўлиши;</li> <li>▪ ошкоралик, холислик принципларига амал қилган ҳолда, қурилиш объектининг техник ҳолатига реал баҳо бериши</li> </ul>	
<b>Лаборатория синовларини ўтказишда ҳар бир синов натижалари бўйича расмийлаштириладиган ҳужжатларни тузиш тартиби:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>▪ Ўтказиладиган ҳар бир синов натижалари учун алоҳида синов баённомаси шаклида расмийлаштириш;</li> <li>▪ Синов баённомасида ҳар бир синов натижалари бўйича қисқа, аниқ ва барчага тушунарли ҳолда тузилиши керак;</li> <li>▪ Фотолар ҳисоботи илова қилиниши шарт</li> </ul>	
<b>Синов баённомалари қуйидаги асосий маълумотларни ўз ичига олиши керак:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>▪ синов лабораториясининг номи манзили;</li> <li>▪ аккредитациядан ўтиш рақами, берилган санаси ва гувоҳноманинг амал қилиш муддати;</li> <li>▪ синов учун буюртмачи номи, қурилиш объектининг номи;</li> <li>▪ синов баённомаси ёки ўлчов қайдномасининг тартиб рақами, санаси;</li> <li>▪ текширилаётган қатлам, конструкция ёки маҳсулотнинг ишчи лойиҳа бўйича номи;</li> <li>▪ намуна олинган сана ва синов ўтказилган сана;</li> <li>▪ синов ўтказиш ва меъёрий талаблар кўрсатилган стандартлар (ГОСТ, ШНК ва ишчи лойиҳа);</li> <li>▪ лаборатория синовларини ўтказиш учун синов мақсади;</li> <li>▪ қўлланилган ўлчов васиталари, синов ускуналари ва қўшимча жихозларнинг рўйхати, номи, метрологик кўрсаткичлари, қиёсловдан ва калибровкадан ўтказилганлиги тўғрисида маълумотлар (қиёслов сертификатининг рўйхатга олиш тартиб рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати)</li> <li>▪ намуна олинган нуқталар бўйича маълумот;</li> <li>▪ стандарт ёки ишчи лойиҳа бўйича қўйилган норматив талаб;</li> <li>▪ ҳар бир кўрсаткич бўйича синов натижалари;</li> <li>▪ ҳар бир кўрсаткич бўйича норматив ҳужжатда белгиланган талаб;</li> <li>▪ синов ўтказганган ходимларнинг лавозими, исми шарифи, имзоси, синов лабораторияси ёки ташкилот муҳри.</li> </ul>	

<b>Тендер иштирокчилари томонидан буюртмачига тақдим қилинадиган ҳужжатлар нусхаси:</b>		
<ul style="list-style-type: none"> <li>▪ ташкилот гувоҳномаси, низом;</li> <li>▪ синов лабораториясининг аккредитациягувоҳномаси, аккредитациясоҳаси</li> <li>▪ персонал (ҳодимлар)нинг мувофиқликни баҳолаш соҳасида фаолият олиб боришга ваколатини тасдиқловчи сертификатлар;</li> </ul>		
<b>Лаборатория ишларини олиб боришда бажариладиган ишлар:</b>		
<ul style="list-style-type: none"> <li>▪ бажарилган қурилиш ишларининг сифати бўйича ишчи лойиҳа ва стандарт талабларига мос келишини текшириш;</li> </ul>		
<b>Лаборатория ишларини олиб бориш вақтида аниқланадиган кўрсаткичлар рўйхати (1-жадвал)</b>		
<b>Конструкция ёки маҳсулот номи</b>	<b>Аниқланадиган кўрсаткичлар номи</b>	<b>Норматив ҳужжатлар</b>
<i>Монолит бетон</i>	- Бетон мустаҳкамлигини механик усулда бузмасдан аниқаш (конструкцияни ўзидан)	ГОСТ 22690-2015
<b>Қўшимча изоҳлар:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>- ишларни бажариш муддати шартнома тузилган вақтдан бошлаб, йил якунига қадар;</li> <li>- лаборатория ишларини бажариш учун шартноманинг умумий қиймати 50 000 000 (эллик миллион) сўмдан кўп бўлмаган (агарда қўшимча қиймат солиғи белгиланган бўлса, 57 500 000 сўмдан кўп бўлмаган);</li> <li>- буюртмачи томонидан ишларни бажариш учун шартнома имзоланиб, тасдиқланган кундан бошлаб, 5 иш куни ичида иш бажарувчига 15% миқдорида аванс тўлаб берилади;</li> </ul>		

“Тошкент метрополитени” ДУК  
Бош муҳандиси



А.С. Абдуқодиров